

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида

ШАРТНОМА № 17948

Тошкент ш.

2022 йил “23” 04

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “PRIME TOWER GROUP” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав ва № АЛ-000500-сонли лицензия асосида иш кўрувчи директор М.З. Худаяров., иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 27-апрелдаги 70248-сонли танлов натижаларига кўра мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи «Тошкент шаҳар, Учтепа туманидан оқиб ўтувчи “Бўзсув” каналининг “Фарҳод” кўчасидан Тошкент ҳалқа автомобиль йўлигача бўлган 9.1 қисмини ободонлаштириш ва сайилгоҳ ташкил этиш (АРТ 1-2, Топохарита, геология ва ЗВОСни хисобга олган ҳолда)» обьекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- жорий нархлардаги смета хисоби;
- АРТ 1-2 харажатлари;
- Топохарита харажатлари;
- Геология харажатлари;
- (ЗВОС) харажатлари.

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома хисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета хисобига асосан (**ҚҚС билан**) **290 000 000 (икки юз тўқсан миллион)** сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида шартнома баҳосининг 30 фоиз микдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда хисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажарувчи қўйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириқка ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулюса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътиrozларини инобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш хуқуқи йўқлигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қўйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган микдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишини ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич малумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичida Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгаришишга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичida ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичida Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиҳа-смета хужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қиласлигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета хужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиши тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил эксперктларга лойиҳа-смета хужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиҳа-смета хужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета хужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижроини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиҳа-смета хужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатларидағи камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета хужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган обьектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиҳа-смета хужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечикирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечикирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасdir.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иктисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси хузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишида расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечикирилса;

- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечикирилса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг изкроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равишида пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиласиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазийқ ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан коидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажарувчи томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувчининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха хам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди.

10.6. Шартномага қўйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“БУЮРТМАЧИ”

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA
BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING
КОМПАНИЯ” ДУК

“БАЖАРУВЧИ”

МЧЖ “PRIME TOWER GROUP”

Юридик манзили:

100027, Тошкент ш., И. Каримов кўчаси,
16А-уй. **МФО 00014 МНН 204 775 594**
ОКОНХ 69000
100021860262777068805110163
УПРАВЛЕНИЕ КАЗНАЧЕЙСТВА
МИНИСТЕРСТВО РУЗ
р/с 23 402 000 300 100 001 010
МНН 201 122 919



Директор в.б.


R.U. Кучкаров

Юридик манзили:

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани,
Байналминал кўчаси, 16.
x/r: 2020 8000 5006 0499 7001
АТБ “Капитал банк” Тошкент шаҳар
Чорсу филиал
МФО: 01033
СТИР: 303 879 121; ОКЭД: 71110



Директор


M.Z.Худаяров





“Тасдиқлайман”
Ташкент шаҳар ҳокимияти
“ЯБХ” ИК директори в.б.
Комиссия раиси
Р.У. Кучкаров

Ташкент шаҳар

«29» 04 2022й.

“Ташкент шаҳар, Учтепа туманидан оқиб ўтувчи “Бўзсув” каналининг “Фарҳод”
кўчасидан Ташкент ҳалқа автомобиль йўлигача бўлган 9.1 қисмини
ободонлаштириш ва сайилгоҳ ташкил этиш(АРТ 1-2, Топохарита, геология ва
ЗВОСни хисобга олган холда)” объектининг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб
чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича Ташкент шаҳар ҳокимияти
“ЯБХ” ИК танлов комиссияси йиғилишининг

БАЁНИ

Комиссия аъзолари:

С. Сагдиев

-Бош мухандис в.б.

Ш. Қодиров.

-БРБЛ ва ТҲРОТ бўлим бошлиги

Хамидов О.

-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиги

Турсунов З.

-Ташкент шаҳар ҳокимининг ишлаб
чиқариши маҳаллийлаштириш ва
саноатда кооперация алоқаларини
кенгайтириш бўйича масалалари
ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг
ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди
асосида бир шартнома бўйича БҲМ
2 500 бараваридан ортиқ бўлса
иштирок этади)

Абдусатторов П.

-БРБЛ ва ТҲРОТ бош мутаҳассиси

Абдунабиев А.

-БРБЛ ва ТҲРОТ бош мутаҳассиси

КУН ТАРТИБИ

“Ташкент шаҳар, Учтепа туманидан оқиб ўтувчи “Бўзсув” каналининг “Фарҳод”
кўчасидан Ташкент ҳалқа автомобиль йўлигача бўлган 9.1 қисмини ободонлаштириш ва
сайилгоҳ ташкил этиш(АРТ 1-2, Топохарита, геология ва ЗВОСни хисобга олган холда)”
объекти бўйича(кейинги ўринларда объект деб аталади).

(Р. Кучкаров, С. Сагдиев, Ш. Қодиров, О.Хамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, А. Абдунабиев)

Компания томонидан 2022 йил 15 апрел куни Ўзбекистон Республикаси товар
хом-ашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) объектнинг лойиҳа-смета
хужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 70248 лот
ракамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон
портал орқали танлов иштироқчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган
таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва
кўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “PRIME TOWER
GROUP” МЧЖ голиб бўлганини инобатга олиб:


ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига мухокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича хеч қандай эътиrozлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.

Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 27 апрелдаги электрон баённомасига асосан “Тошкент шахар, Учтепа туманидан оқиб ўтувчи “Бўзсув” каналининг “Фарҳод” кўчасидан Тошкент ҳалқа автомобиль йўлигача бўлган 9.1 қисмини ободонлаштириш ва сайилгоҳ ташкил этиш(АРТ 1-2, Топохарита, геология ва ЗВОСни хисобга олган холда)” объектининг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “PRIME TOWER GROUP” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

Комиссия аъзолари.




С. Сагдиев



Ш. Қодиров




О. Хамидов



П. Абдулсатторов



А. Абдунабиев



"Донишшак хокимининг
юлидиги таъсирни ўринбосари

Б.Рахмолов
2022 й.

Тошкент шахар хокимлиги "Ягона буортмачи хизмати" ЙККНИНГ
Республика бюджетининг 2022 йил биринчи чорак даромадлар режасини ортириб бажарилган кисми хисобидан Тошкент шахар хокимлигинин
махалли бюджетига жиҳозланган маблаглари хисобидан

2022 йилги МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

№	Объектнор номи ва жадиди файзланишни жадиди тозилишини жадиди	Купчалини бозорни на файзланишни жадиди тозилишини жадиди	Объектнор жадиди бозорни на файзланишни жадиди тозилишини жадиди	01.01.22. й. жадиди жадиди жадиди жадиди	01.01.22. й. жадиди жадиди жадиди жадиди	01.01.22. й. жадиди жадиди жадиди жадиди	2022 йил урги сийдаги ўйинчандар инсони	2022 йилда формаланништирилган	2022 йилда формаланништирилган	01.01.23. й. жадиди жадиди жадиди жадиди	01.01.23. й. жадиди жадиди жадиди жадиди	01.01.23. й. жадиди жадиди жадиди жадиди	Энергетика тасаввурлари ни сизаси безопасига	Теплотар тасаввурлари ни сизаси безопасига	Теплотар тасаввурлари ни сизаси безопасига			
1	Тошкент шахар Юнонбоши, туманинин обод ўргани "Самер" компанияси Тошкент шахаринин автомободий бўйича Ўрзиман Ўрзиман бюджетинин маҳаллий бюджетига жиҳозланган маблаглари хисобидан	2022/4	обект				5 904,400		5 904,400		5 904,400							
2	Тошкент шахар Марборса туманинин обод ўргани "Самер" компанияси Тошкент шахаринин автомободий бўйича Ўрзиман Ўрзиман бюджетинин маҳаллий бюджетига жиҳозланган маблаглари хисобидан	2022/4	обект				248,000		248,000		248,000							
3	Тошкент шахар Шаъбонотга туманинин обод ўргани "Самер" компанияси Тошкент шахаринин автомободий бўйича Ўрзиман Ўрзиман бюджетинин маҳаллий бюджетига жиҳозланган маблаглари хисобидан	2022/4	обект				118,000		118,000		118,000							
4	Тошкент шахар Олончар туманинин обод ўргани "Самер" компанияси Тошкент шахаринин автомободий бўйича Ўрзиман Ўрзиман бюджетинин маҳаллий бюджетига жиҳозланган маблаглари хисобидан	2022/4	обект				182,000		182,000		182,000							
5	Тошкент шахар Учтепа туманинин обод ўргани "Самер" компанияси Тошкент шахаринин автомободий бўйича Ўрзиман Ўрзиман бюджетинин маҳаллий бюджетига жиҳозланган маблаглари хисобидан	2022/4	обект				92,000		92,000		92,000							
6	Тошкент шахар Чашнишор туманинин обод ўргани "Самер" компанияси Тошкент шахаринин автомободий бўйича Ўрзиман Ўрзиман бюджетинин маҳаллий бюджетига жиҳозланган маблаглари хисобидан	2022/4	обект				458,000		458,000		458,000							
							276,000		276,000		276,000							



"Келинилди"
Тошкент шахар Иктисолий тараккӣёт
бешарот боғаликни кискартириш
бешаротни

Ш.Шукуров
2022 й.

12.04.2022

№	Объекты и виды наименований	Краткое описание объектов	Объектный реестр, номера объектов	2022 йил урүп тапшырылган жылдамдык		2022 йил тапшырылган жылдамдык	2022 йил тапшырылган жылдамдык		
				шы ажыратылган					
				Бюджеттеги бойынша жылдамдык	Кошумчалык - жылдамдык				
1	2	3	4	5	6	7	8		
15	Төмөнкү нисбәттіліктердегі үйлесімдердегі жеке тапшырылған жылдамдык	01.01.22. Н. жеке тапшырылған жылдамдык	01.01.22. Н. жеке тапшырылған жылдамдык	01.01.22. Н., жеке тапшырылған жылдамдык					
16	"Сандар" калың Солтүрк жеке тапшырылған жылдамдык	2022/8 обект				220,000 обект			
17	Төмөнкү нисбәттіліктердегі жеке тапшырылған жылдамдык	2022/8 обект		375,500		375,500 обект			
18	Оңтүстүк шахардың Югары Коралданын "Корсар" мұнай компаниясының 1,3 мәдениет жеке тапшырылған жылдамдык	2022/8 обект		239,900		239,900 обект			
	"Дженса Буоргана" китмегінде жеке тапшырылған жылдамдык			165,500		165,500 обект			
	РУКЧАРОВ								
	2022.								



"Келинишди"
Төмөнкү шахар
Джена Баш бекізгерлесі башшыты
Ж.Н.Исматуллаев
2022 ж.



"Дженса Буоргана" китмегінде жеке тапшырылған жылдамдык